

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД-5313000-2.20
2021 йил “04” 06

Соғликни сақлаш вазирлиги

121-сонли буйруғи
2021 йил “04” 06



ПАТОЛОГИЯ МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500 000 – Соғликни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғликни сақлаш

Таълим йўналиши: 5313000 – Биотиббиёт мухандислиги

Фарғона – 2021

Тузувчи:

Шерматов Р.М. – ФЖСТИ, “1-Ички касалликлар” кафедраси мудири, т.ф.н.

Тақризчилар:

Содиков У.Т. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти “Ички касалликлар” кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

Халматова Б.Т. ТТА “1-сонли Болалар касалликлари” кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори.

Модул дастури Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида ишлаб чиқилган ва илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқлашга тавсия қилинган (2021 йил “8” январдаги “6” – сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги “3”–сонли баённома билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги “121” – сонли буйруғининг 1 – иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

I.Ўқув модулининг долзарбилиги ва олий касбий таълимдаги ўрни Патологик анатомия ва патологик физиология

Ушбу модул дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими биотиббиёт мухандислиги таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган бўлиб, замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнига тадбик этиб, талабани назарий маълумотидан бошланғич амалий кўникмаларни бажаришга ўргатиб ва ортирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда мустақил равишда касалликларнинг этиология ва патогенезини аниқлаш учун замин яратиб беради. Дастурнинг мақсад ва вазифаларини ечими якунида талаба патология модулидан олган билим ва амалий кўникмаларни клиник амалиётда уйғунлаштириб, етук, рақобатбардош, мустақил клиник фикрлаш қобилиятига эга бўлган биотиббиёт мухандиси бўлиб шаклланади.

Биотиббиёт мухандиси фаолиятининг асосий йўналиши аҳоли соғлигини сақлаш, касалликларни олдини олишда замонавий тиббий техникалар ёрдамида эрта ташхислаш ва даволаш хисобланади.

Биотиббиёт мухандиси аҳолининг соғлиқни сақлаш соҳасида ўз профессионал фаолиятини Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг тиббий-профилактика муассасаларининг тегишли йўналиш бўғинларида олиб боради.

Ушбу дастур биотиббиёт мухандисларини тайёрлаш дастури асосида тузилган, тиббиёт олий ўқув юртларининг Биотиббиёт мухандислиги факультети талабаларига “Патология” модулидан таълим бериш учун мўлжалланган.

Мазкур модулга ўқув режадаги Тиббий биология. Умумий генетика, Умумий ва тиббий радиобиология, Умумий физика ва биофизика, Тиббий кимё, Биокимё, Анатомия, Физиология, Гистология, цитология, эмбриология, Тиббий радиология модуллари назарий замин бўлиб хизмат қиласа, Педиатрия, Хирургия. Урология ва бошқа клиник модулларга патология модули назарий замин бўлиб хизмат қиласди. Талаба патология модулини ўрганишда “Тиббий биология”, “Умумий генетика”, “Умумий ва тиббий радиобиология”, “Умумий физика. Биофизика”, “Тиббий кимё”, “Биокимё”, “Анатомия”, “Физиология”, “Гистология, цитология, эмбриология” ва бошқа модуллардан эгаллаган билимларига асосланади.

Ушбу намунавий дастур модулнинг тарихи ва ривожланиш тенденцияси, истиқболли масалаларини қамрайди, инсон организмидаги касалликни ривожлантирувчи этиология омиллар, классификацияси, уларнинг организм билан ўзаро муносабати, ҳамда бўлғуси умумий биотиббиёт мухандисларида касалликнинг этиология омилларини аниқлаш, ташхис қўйиш ва белгиларини асослаш учун назарий замин яратиб беради, шунингдек, талабаларда клиник фикрлаш кўникмасини шакллантиради.

Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1.Модулнинг мақсади –касалликларнинг этиологияси, патоморфогенези, анатомо-морфологик асослари ва уларнинг структур асосларини, шунингдек,

клинико-анатомик таҳлил услубларини ўргатиш, макро- ва гистологик препаратларни идентификация ва интерпретация қилиш кўникмаларини эгаллашдан иборат.

2.2. Модулнинг вазифалари:

Патологик анатомия тарихини, ривожланиш этапларини, энг муҳим усуллари асосларини ўрганиш, хужайра, тўқима ва аъзоларнинг ёшга нисбатан ўзгаришлари ва уларнинг турли таъсиrlарга нисбатан жавоб реакцияларини тўғри талқин қила билиш, касалликнинг ҳар бир босқичидаги умумпатологик жараёнлар морфологияси, уларнинг бир-биридан фаркини ва оқибатларини ўрганиш, касалликлар этиологияси, патоморфогенези, тикланиш жараёнларининг структуравий асослари, касалликнинг оқибати ва асоратлари билан таништириш, касаллик патоморфозини ўргатиш, касалликларда хужайра, тўқима ва органларда ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларни клиник белгилари билан солиштириб таҳлил қилишни ўрганишдан иборат.

2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўнижма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

- патологик анатомия модули тарихи, унинг ахамияти ва уни ўрганиш усуллари;
- препаратлар билан ишлай олиш, умум морфологик ва гистокимёвий бўяш усуллари;
- касаллик тўғрисида умумий тушунча, касалликлар классификацияси;
- касаллик патоморфози – яъни касалликнинг турмуш тарзи ва даволашга боғлик ҳолда ўзгариши, биопсия ва аутопсия натижаларини таҳлили тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**
- патологик жараёнлар сабабларини ва ривожланиш механизmlарини;
- нормани патологиядан фарқлаши, ёруғлик микроскопи воситасида хужайранинг патологик ўзгаришини таҳлил қила олишни;
- турли касалликларда ички органлардаги морфофункционал ўзгаришларнинг моҳиятларини;
- касалликнинг этиологияси, патогенези, морфогенези, касалликлар классификацияси, морфологик асослари, ва уларни клинико-анатомик таҳлил қилишни;
- касалликнинг ҳар бир босқичидаги умумпатологик жараёнлар морфологияси, тикланиш жараёнларининг структуравий асослари, касаллик оқибатини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- патологик жараён ривожланган тўқималардаги ўзгаришларни ва унинг турларини микроскоп воситасида аниқлаш ва бир-биридан фарқлаш;
- ёруғлик микроскоп воситасида хужайранинг патологик ўзгаришини ажратса олиш каби **амалий кўнижмаларига эга бўлиши керак.**

2.1.Модулнинг мақсади - талабаларга инсон организмидаги касалликларнинг этиология ва патогенезига оид билимларнинг назарий, амалий асосларини, қонуниятларини ва касалликларга замонавий ташхис қўйиш, даволаш, касалликнинг олдини олиш усулларини ўргатиш, ҳамда уларда клиник фикрлаш кўнижмасини шакллантиришдан иборат.

2.2. Модулнинг вазифалари:

Патологик физиология модули тарихи ва вазифаси, методлари ҳақида тушунча бериш, инсон организмида касалликларнинг юзага келиши, ривожланиши, кечиши ва оқибатларига оид этиологик ва патогенетик хусусиятлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш, сабаб - оқибат муносабатлари қонуниятлари ва патогенез ҳақида тушунчага асосланиб даволаш усуллари ва воситаларини танлаш учун касалликларнинг етакловчи звеносини топа билиш, функционал-метаболик ўзгаришларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва кечишининг умумий ва хусусий асосларини билиш, аъзолар ва тизимлар патологиясининг ривожланишида симптомларнинг шаклланиш механизмларини билиш, даволаш чораларини ишлаб чиқишида тажрибавий усулларнинг аҳамиятини талабаларга ўргатишдан, адаптация ва компенсация реакцияларининг тиббий-биологик асослари, ирсиятнинг роли, организмнинг умумий ва хусусий реактивлигини патологик жараён ва касалликларда тутган ўрни ҳақидаги билимларни шакллантириш, функционал-метаболик силжишларнинг лаборатория натижаларига асосланган диагностикасини амалга ошириш бўйича назарий-амалий билимларни узвийлиқда ўргатишдан иборат.

2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

- этиологик омиллар ва шарт-шароитларнинг классификациясини;
- нозология асослари ҳақидаги таълимотни;
- касалликларнинг тизими, ва уларнинг тасниф этилишининг асосларини;
- ижтимоий-экологик омилларнинг кўп қирралилиги, уларнинг ўзаро муносабатларини;
- организмнинг ривожланадиган компенсатор ва адаптацион реакцияларини, организм реактивлигининг касалликларни юзага келиши, ривожланиши ҳамда оқибатида ўзига хос хусусиятлари билан белгиланишини;
- типик патологик жараёнларнинг сабабларининг ривожланиши ва кўринишларининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг организмнинг турли хил интеграл даражаларида кўринишларини;
- касалликларнинг юзага келиши, ривожланиши, кечиши ва оқибатларини ўрганишда профилактика, даволаш чораларини ишлаб чиқишида тажрибавий усулларнинг моҳиятини;
- этиология, патогенез, диагностика, беморнинг реабилитацияси билан боғлиқ масалаларни хал этишда нозологиянинг тутган ўрни ва моҳияти **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- олинган билимлардан тиббиётнинг нозология, этиология, диагностика, патогенезнинг етакчи омилларини ажратса олишни;
- олинган билимлар асосида даволаш чоралари принципларини тасаввур этиш, хал этишда фойдалана олишлик ва татбиқ қила олишликни;
- типик патологик жараёнлар ва турли патологияларда юзага келадиган функционал ўзгаришларнинг сабаб-оқибат занжирини тузга олиш ва

талқин қилишда таҳлилий амалларни күллашни **билиши ва улардан фойдалана олиш;**

- периферик қон суртмасини ёруғлик микроскопида ўрганиб, патологик турдаги эритроцитларни, лейкоцитоз, лейкоз ва анемия турларини фарқлаш;
- юкламасиз ва чекланган юкламадан сўнг ЭКГ олиш каби **амалий қўнгималарга эга бўлиши керак.**

3.Асосий қисм

3.1.Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиши бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

1-мавзу. “Патологик анатомия” модулига кириш. Ҳужайра альтерацияси Ҳужайра соғлик ва касалликнинг структур бирлиги. Патологияга кириш. Заарарли таъсиrlар ва стрессга ҳужайра реакцияси. Дифференцияланиш ва ўсишга ҳужайра мослашуви. Ҳужайра шикастланиши сабаблари. Ҳужайра шикастланиши механизmlари. Ҳужайранинг кайтар ва қайтmas шикастланишлари. Ҳужайра шикастланишлар морфологияси ва некроз. Апоптоз. Шикастланишга ҳужайра ичи жавоблари. Патологик кальцификация. Ҳужайра қариши.

2- мавзу. Яллиғланиш ва репарация. Ўткир ва сурункали яллиғланиш. **Тўқималар янгиланиши ва репарация: регенерация, тузалиш ва фиброз.** Яллиғланишнинг умумий характеристикиси. Ўткир яллиғланиш. Яллиғланишнинг медиаторлари. Ўткир яллиғланишнинг оқибатлари. Ўткир яллиғланишнинг морфологик моделлари. Яллиғланишнинг системали эффектлари. Паст ёки ҳаддан ташқари яллиғланишнинг оқибатлари. Сурункали яллиғланиш. Яллиғланишни тизимли таъсиrlари. Тўқималар янгиланиши ва репарация: регенерация, тузалиш ва фиброз таърифи. Нормал ҳужайрага оид пролиферация ва тўқималар ўсиши назорати. Тўқима регенерацияси механизmlари. Ҳужайрадан ташқари матрикс ва ҳужайра-матрикс ўзаро таъсиrlари. Репарация, чандиқ шаклланиши ва фиброз. Тери жароҳатларини битиши.

3-мавзу. Гемодинамикани бузилишлари, торомбэмболия ва шок. Генетик бузилишлар. Шиш. Гиперемия ва димланиш. Қон кетиш. Гемостаз ва тромбоз. Коагуляция кетма-кетлиги. Тромбоз. Диссеменирлашган томир ичидаги қон ивиши. Эмболия. Инфаркт. Шок. Мутациялар. Менделга оид бузилишлар. Кўп факторли наслдан ўтиш бузилишлари. Нормал кариотип. Ноклассик наслдан ўтадиган моноген касалликлар. Молекуляр диагноз. Генетик касалликларни диагнози.

4-мавзу. Иммун бузилишлар. Неоплазия. Иммун системаси ҳужайралари. HLA ва касалликлар билан боғлиқлиги. Иммун системаси бузилишлари. I типдаги аллергия. II типдаги аллергия. III типдаги ўта сезувчанлик. IV типдаги ўта сезувчанлик. Иммунологик толерантлик. Аутоиммун касалликлар механизmlари. Иммун танқисликсиндромлари. Амилоидоз. Таърифлар. Номенклатура. Ўсмалар ўсиш биологияси: хавфсиз ва хавфли ўсмалар. Эпидемиология. Ракнинг молекуляр асослари. Канцероген агентлар ва уларни

хужайралар билан ўзаро таъсири. Организмни ўсмага қарши химояси. Ўсмаларни клиник хусусиятлари. Ўсмаларни организмга таъсири.

5-мавзу. Инфекцион касалликлар. Ўта хавфли инфекциялар. Микроорганизмларни ўтиши ва тарқалиши. Вирусли инфекциялар. Қизамиқ. Паротит. Полиомиелит. Цитомегаловирусли инфекция. Бактериальные инфекции. Страфилаккокли инфекция, стрептококкли инфекция. Менингококкли инфекция. Сил. Захм. Гемморрагик иситма. Куйдирги. Ўлат. Вабо. Короновирус. Уларни эпидемиологияси. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси.

6-мавзу. Янги туғилган чақалоқлар ва болалар касалликлари. Тұғма аномалиялар. Чала туғилган болалардаги бузилишлар. Перинатал инфекция. Хомила истискоси. Моддалар алмашинувининг туғма бузилишлари ва бошқа генетик касалликлар. Болалар түсатдан ўлимни синдроми (БТҮС). Янги туғилган чақалоқларда ва болаларда ўсмалар ва ўсмасимон заарланишлар.

7-мавзу. Қон томир - юрак патологияси. Қон томир патологияси. Томир аномалиялари. Гипертензия. Атеросклероз. Аневризмалар. Васкулитлар. Вена ва лимфа томирларипатологияси. Томир ўсмалари. Томирларга аралашишдаги патология. Юрак патологияси. Тұғма юрак касалликлари. Юрак ишемик касалликлари. Аритмиялар. Юрак гипертензив касаллиги. Юрак клапанларикасалликлари. Кардиомиопатиялар. Перикард касалликлари. Юрак ўсмалари. Юрак трансплантацияси.

8-мавзу. Қон касалликлари. Оқ қон танаачалари, лимфа тугунлари, талоқ ва тимус касалликлари. Лейкозлар. Лимфаденитлар. Сplenомегалия. Талоқнинг туғма аномалиялари ва ўсмалари. Тимуснинг ривожланиш бузилишлари. Қизил қон танаачалари касалликлари ва қон кетиш бузилишлари. Анемии. Геморрагик диатезлар. Диссеминирланган томиричи ивиши (ДВС). Трансфузиян асоратлар.

9-мавзу. Ўпка касалликлари. Ўпка патологияси. Туғма аномалиялар. Ўткир респиратор дистресс синдроми. Обструктив ва рестриктив касалликлар. Ўсмалар. Томир касалликлари. Ўпка инфекциялари. Ўпка трансплантацияси. Ўсмалар. Плевра касалликлари.

10-мавзу. Бош, бўйин, ошқозон ва ичак касалликлари. Жигар касалликлари. Бош ва бўйин патологиялари. Оғиз бўшлиғи, юкори нафас йўллари, қулок, бўйин ва сўлак безлари касалликлари.. Ошқозон-ичак тракти патологиялари. Туғма аномалиялар. Эзофагит. Ўткир ва сурункали гастритлар. Ошқозон полипозлари ва ўсмалари. Ичак ишемик касаллиги. Мальабсорбция ва диарея. Инфекцион энтероколитлар. Ичак ўсмалари. Корин бўшлиғи касалликлари. Жигар ва ўт йўллари патологияси. Жигар касалликлари хақида умумий маълумотлар. Инфекцион касалликлар (вирусли, бактериал, паразитар (гепатитлар). Жигарни токсиква дори воситалари таъсирида заарланиши. Жигар ўсмалари.

11-мавзу. Буйрак касалликлари. Жинсий аъзолар касалликлари. Буйрак касалликлари. Ривожланиш аномалиялари. Гломерулопатиялар. Тубулоинтерстициал касалликлар. Буйрак ўсмалари. Обструктив уринопатия. Сийдик ажратиш тракти касалликлари. Эркаклар жинсий аъзолари касалликлари. Аёллар жинсий аъзолари касалликлари. Инфекциялар. Вульва,

қин, бачадон бўйни ва танаси, найчалар ва тухумдонлар патологиялари. Гестация ва плацентация бузилишлари. Кўкрак бези касалликлари. Ривожланиш аномалиялари. Яллиғланиш ва ўсма касалликлари.

12-мавзу. Эндокрин аъзолари касалликлари. Қалқонсимон безни касаллаклари. Бўқоқ, классификацияси, патологик анатомияси. Қандли диабет, классификацияси, патогенези, патологик анатомияси, асоратлари. Гипофиз ўсмалари. Буйрак усти бези касалликлари.

Патологик физиология

1-мавзу. Патологик физиология модулига кириш. Умумий нозология.

Хужайранинг шикастланиши. Патологик физиология модули ҳақида тушунча, унинг вазифалари, модулнинг ривожланиш тарихий этаплари. Умумий нозология тушунчаси. Патологик реакция, патологик жараён, патологик ҳолат, типик патологик жараёнлар, касаллик тушунчалари. Касаллик даврлари. Этиология ҳақида тушунча. Касалликнинг ривожланишида сабаб ва шароитларнинг аҳамияти, ички ва ташқи омилларнинг касалликнинг юзага келишида бир-бири билан диалектик боғликлиги. Касалликни таснифлаш принциплари. Патогенез – касалликнинг ривожланиш қонуниятлари, этиологик омилнинг ўзига хослиги билан тавсифланиши ва касалликлар ва патологик жараёнлар ривожланиши қонуниятлари. Касаллик патогенезида функционал ва структуравий ўзгаришлар бирлиги. Патогенезда сабаб-оқибат муносабатлари, бирламчи ва иккиламчи шикастланиш. “Хавфли ҳалқасимон муносабатлар” тушунчаси. Хужайра шикастланишнинг асосий кўринишлари. Хужайра шикастланишининг сабаблари: экзоген ва эндоген; ноинфекцион ва инфекцион-паразитар; физик, кимёвий, биологик. Хужайра шикастланишининг умумий механизмлари, специфик ва носпецифик белгилари. Морфологик ва функционал шикастланиш белгилари.

2- мавзу. Яллиғланиш патофизиологияси. Яллиғланишнинг умумий характеристикиаси. Тушунчаси, таснифи, этиологияси. Яллиғланиш патогенезининг асосий компонентлари ҳақида тушунча. Яллиғланиш ўчоғида қон реологик хусусиятларининг ўзгаришлари, қон томир реакциялари. Эксудат турлари. Пролиферация. Яллиғланиш ўчоғида репаратив жараён ривожланишини механизмлари.

3-мавзу. Иситма ва инфекцион жараён. Иситмани юзага келтирувчи сабаблар. Экзоген ва эндоген пиrogенлар. Табиий антипиретик моддалар. Иситманинг ривожланиш механизми. Иситма турлари, уларнинг диагностик аҳамияти. Иситманинг организмга ижобий ва салбий таъсири. Иситманинг асоратлари.

4-мавзу. Организмнинг реактивлиги ва унинг патологиядаги роли.

Иммунпатология. Аллергия патофизиологияси. Реактивлик турлари, шакллари: нормергия, гиперергия, гипоергия, дизергия, анергия ҳақида тушунча. Организм резистентлиги: пассив ва актив, бирламчи ва иккиламчи, носпецифик ва специфик. Иммунологик реактивлик ҳақида тушунча, уни таъминловчи омиллар ва механизмлар. Иммунобиологик назорат тизимининг структураси, функциялари. Бола организмининг реактивлик хусусиятлари. Иммун танқислик ҳолати: бирламчи ва иккиламчи иммундепрессив ҳолатлар.

Ортирилган иммунтақчиллик синдроми: этиологияси, юқиши йўллари, патогенез, клиник формалари, профилактика ва даволаш принциплари. Она ва бола организми ўртасидаги иммунконфликт ҳолатлар, унинг асосий турлари ва оқибатлари. Аллергик касалликлар келиб чиқишида касбий омил ва атроф мұхит омилларининг тутган ўрни. Аллергиянинг турлари, таснифи ва аллергик реакциялар патогенезининг умумий масалалари. Аутоиммун касалликлар, этиологияси, патогенези клиник формалари.

5-мавзу. Модда алмашинуви кенг тарқалган касалликлари патофизиологияси. Касалликларнинг ривожланишида модда алмашинуви бузилишининг аҳамияти. Асосий алмашув - интегратив лаборатор кўрсаткич. Сув алмашинувининг бошқарилишининг бузилиш механизmlари. Дисгидрияларнинг турлари ва классификацияси. Гипогидратация ва гипергидратация. Шишлар, уларни патогенетик омиллари. Юрек, буйрак, яллиғланиш, токсик, аллергик, очлик шишлари патогенези. Болаларда сув алмашинувининг бузилишининг ўзига хос томонлари. Оқсиллар алмашинуви патологиясини асосий кўринишлари ва оқибатлари. Манфий ва мусбат азот баланси. Қон плазмасининг оқсиллари таркибининг ўзгариши. Болаларда моддалар алмашинуви ўзгаришининг ўзига хос томони. Чақалоқларда гиперурекемия ва уратурия. Карбонсувлар алмашинуви патофизиологияси. Ошқозон-ичак трактида карбонсувлар сўрилишининг бузилиши; ҳужайрада карбонсувларнинг транспорти ва ўзлаштирилишни бузилиши; гипер-гликемик ҳолат, унинг турлари. Болаларда карбонсувлар алмашинуви бузилишларининг ўзига хос томонлари. Ёѓлар алмашувининг бузилиши. Ёѓларнинг организмга кўп микдорда тушиши ва уларни етишмовчилиги. Алиментар, транспорт ва ретенцион гиперлипемия. Қонда липидлар транспортининг бузилишларини аҳамияти. Қандли диабет турлари. Инсулинга боғлиқ (1тип) ва инсулинга боғлиқ бўлмаган (2 тип) қандли диабетнинг этиология ва патогенези. Диабетик комалар (кетоацидотик, гиперосмоляр, лактацидемик), уларнинг патогенетик хоссалари. Атеросклероз, унинг этиологияси ва патогенези, оқибатлари. Подагра: экзо- ва эндоген омилларнинг тутган ўрни, патогенези. Умумий семириш, унинг турлари ва механизmlари. Ёш болаларда кузатиладиган диабетик команинг ўзига хос томонлари. Янги туғилганларда уратурия, унинг ривожланиш механизmlари. Гиперурикемияни болаларнинг ўсишига таъсири.

6-мавзу. Тўқима ўсиши патофизиологияси. Патологик гипотрофия, атрофия ва гипоплазия, гипертрофия ва гиперплазия, патологик регенерация. Ўсмаларнинг этиологияси: физикавий ва кимёвий канцероген омиллар, онкоген вируслар: уларнинг таъсир механизми. Ўсмалар патогенези. Ўсмаларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида ирсий омиллар, жинс, ёш ва сурункали касалликларнинг аҳамияти. Организмнинг антиblastom резистентлиги. Ўсмаларга қарши профилактика ва терапиянинг патофизиологик асослари. Болалар организмida ривожланадиган ўсмалар хусусиятлари.

7-мавзу. Лейкоцитлар ва эритроцитлар патофизиологияси. Лейкоцитларнинг турлари, морфологияси. Лейкоцитоз ва лейкопения. Лейкоз ҳақида тушунча. Лейкозларнинг этиологияси ва патогенези. Таснифлаш мезонлари. Лейкемоид реакциялар, турлари, этиологияси ва патогенези.

Лейкозлар атипизми. Лейкоз хасталигининг бола организмидагы ривожланиш хусусиятлари. Эритроцитларнинг патологик шакллари. Анемия турлари, этиологияси ва патогенези. Таснифлаш мезонлари (гемопоэз типига, ранг күрсаткичи, суюк күмиги регенератор қобилиятига, эритроцитларнинг ҳажми ва шакли). Қон тизими хасталикларининг бола организмидагы ривожланиш хусусиятлари.

8-мавзу. Юрак ва қон томир етишмовчилиги. Қон айланиш тизими касалликларининг умумий этиологияси ва патогенези. Қон айланиши етишмовчилиги хақида тушунча, унинг турлари, асосий гемодинамик күрсаткичлари ва күринишлари, компенсатор механизмлар. Юрак гипертрофиясининг хусусиятлари, декомпенсацияси- нинг механизmlари. Юрак етишмовчилиги, унинг турлари. Юрак етишмовчилигининг миокардиал шакли, этиологияси ва патогенези. Аритмиялар турлари, сабаблари, механизmlари, ЭКГда ўзгаришлар. Қон-томир тонуси ўзгаришидан қон айланишининг бузилишлари. Артериал гипертензия. Бирламчи ва иккиламчи артериал гипертензиялар этиологияси ва патогенези, шакллари ва босқичлари, қон босимининг күтарилишини стабилловчи омиллар. Артериал гипотензия, унинг турлари, сабаблари, ривожланиш механизmlари Коллапс тушунчаси, таснифи, патогенези. Болаларда қон айланишининг бузилишининг ўзига хослиги.

9-мавзу. Таşқи нафас тизими патофизиологияси. Нафас етишмовчилигининг этиологияси, кечиши, компенсация даражаси, патогенезига кўра турлари. Альвеоляр вентиляция, вентиляцион-перфузион муносабатлар, аэрогематик тўсиқ орқали газлар диффузиясининг бузилишлари. Гипоксия ва гипероксияга нисбатан организм сезгирлигининг ёшга кўра ўзгариши. Сурфактант тизимининг аҳамияти. Патологик нафас турлари.

10- мавзу. Ҳазм қилиш тизими патофизиологияси. Жигар патофизиологияси. Ҳазм қилиш тизимидағи патологик ўзгаришларнинг умумий этиологияси ва патогенези. Патологик шароитларда ҳазм тизими аъзоларининг функционал алоқалари. Ошқозоннинг резервуар, секретор ва мотор фунцкиялари бузилишлари. Ингичка ва йўғон ичак функцияларини бузилишлари. Овқатнинг аъзолар бўшлиғида ва деворида ҳазм қилинишининг бузилиши. Ёш болаларда иштаҳанинг бузилиши ва ич кетишининг ўзига хос хусусиятлари. Болаларда ичак девори ҳазм қилишнинг бузилиши. Она сутининг боланинг нормал ўсишидаги аҳамияти.

Жигар етишмовчилигининг патогенетик варианtlари. Жигар касалликларида учрайдиган симптомлар ва синдромларнинг этиологияси ва патогенези. Гепатоцитлар етишмовчилиги синдроми, сабаблари, күринишлари, диагностикаси. Жигар комаси этиологияси ва патогенези. Сариқлик, тушунчаси, турлари, сабаблари, күринишлари. Янги туғилган болаларда сариқликнинг этиологияси ва потогенези, болаларда учрайдиган энзимопатик сариқлик. Янги туғилганларда учрайдиган гемолитик сариқлик. Болаларда учрайдиган билирубинли энцефалопатия. Жигарнинг дистрофик ва онкологик касаликлари патогенезида саноат, ўсимлик (гепатотроп) захарларининг тутган

ўрни. Жигарнинг алкоголь таъсирида шкастланиши. Жигар касалликлари профилактикаси йўналишлари.

11- мавзу. Буйрак патофизиологияси. Сийикнинг ҳосил бўлишидаги асосий жараёнларнинг бузилиши: фильтрация, реабсорбция, секреция. Контокча аппарати ва каналчалар функцияларининг бузилиши этиологияси ва патогенези. Ренал симптомлар. Суткали диурезнинг ўзгаришлари. Протенурия, гематурия, лейкоцитурия, уларнинг турлари сабаблари, диагностикада ахамияти. Буйрак касалликларда экстрапенал симптомлар ва синдромлар - азотемия, анемия, артериал гипертензия, шишлар, уларнинг патогенези, ахамияти. Ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги, шакллари, этиологияси, патогенези, даврлари, даволаш принциплари.

12- мавзу. Эндокрин тизим патофизиологияси. Эндокринопатияларнинг умумий этиологияси ва патогенези. Бошқарилишнинг марказий механизmlарининг бузилишлари. Гормонал етишмовчиликнинг ўзига хос томонлари. Эндокрин системасининг касалликлари ва айrim синдромлари. Этиологияси ва патогенези. Гигантизм, акромегалия, гипофизар нанизм, Иценко - Кушинг касаллиги ва синдроми, Конн синдроми, адреногенитал синдромлар. Буйрак усти безларининг ўткир ва сурункали етишмовчилиги. Эндемик ва токсик буқоқ (Базедов касаллиги), кретинизм, микседема.

3.2. Модулдаги амалий ва лаборатория машгулотлар мавзулари, ташкил этиши бўйича умумий қўрсатма ва тавсиялар:

3.2.1. Амалий машгулотларнинг мавзулар рўйхати:

1-мавзу: Хужайра соғлик ва касалликнинг структур бирлиги. Патологияга кириш. Заарли таъсиrlар ва стрессга хужайра реакцияси. Дифференцияланиш ва ўсишга хужайра мослашуви.

1-мавзу: Хужайранинг қайтар ва қайтmas заарланиши. Хужайранинг заарланиши ва нобуд бўлиши: сабаблари, ривожланиш механизми, морфологияси. Апоптоз. Хужайра қариши.

2-мавзу: Яллиғланиш ва репарация. Яллиғланишни таърифи ва умумий намоён бўлиши. Ўткир яллиғланиш.

3-мавзу: Сурункали яллиғланиш. Яллиғланишни тизимли таъсиrlари. Хужайра репарацияси.

4-мавзу: Гемодинамика бузилиши, тромбоэмболик касалликлар ва шок. Гиперемия ва димланиш.

4-мавзу: Қон кетиш. Тромбоз. Эмболия. Инфаркт. Шок.

5-мавзу: Генетик бузилишлар. Мутации. Мендел бузилишлари. Ирсий кўп омилли бузилишлар. Ирсий ноклассик моноген касалликлар.

6-мавзу: Иммун тизим касалликлари. HLA ва уни касалликлар билан ассоциацияси. Гиперсезувчанлик. Иммунтолерантлик. Аутоиммун касалликлар механизми. Иммунтанқислик синдроми. Амилоидоз.

7-мавзу: Неоплазия. Канцерогенезни молекуляр асослари. Ўсма ўсиши биологияси: яхши сифатли ва ёмон сифатли ўсмалар. Канцероген агентлар ва уларнинг хужайралар билан ўзаро таъсири. Ўсманинг клиник хусусиятлари. Ўсманинг организмга таъсири. Эпителиал ўсмалар. Мезенхимал ўсмалар.

8-мавзу: Вирусли инфекциялари (қизамиқ, тепки, герпес вируси инфекцияси, цитомегаловирус инфекцияси, вирусли гепатит В).

9-мавзу: Бактериал инфекциялар (стафилококк ва стрептококк инфекциялари, дифтерия, менингококк инфекцияси). Сил. Захм. Сепсис.

10-мавзу: Овқатланиш ва ташқи муҳит таъсиrlари билан боғлиқ бўлган касалликлар. Кимёвий ва физик агентларнинг токсиклиги. Атроф муҳит ифлосланиши. Тамакининг таъсири. Алкоголнинг таъсири. Дори воситалари ва уларни сустеймол қилишнатижасида заарланиш. Озиқланиш етишмовчилиги (авитаминоз).

11-мавзу: Чакалоқлар ва болалар касалликлари. Туғма аномалиялар. Муддатдан олдин туғилган чақалоқлардаги бузилишлар Ҳомила умумий шиши.

12-мавзу: Перинатал патология. Туғма инфекциялар. Туғуруқдаги травмалар. Туғма моддалар алмашинуви бузилиши ва бошқа генетик касалликлар. Чақалоқлар ва болаларда ўсма ва ўсмасимон заарланишлар.

13-мавзу: Қон томир патологияси. Томир аномалиялари. Гипертензия. Атеросклероз. Аневризмалар. Васскулитлар. Вена ва лимфа томирлари патологияси. Томир ўスマлари. ЦВК.

14-мавзу: Юрек патологияси. Туғма юрек касалликлари. Юрек ишемик касалликлари. Аритмиялар. Юрек гипертензив касаллиги. Юрек клапанлари касалликлари. Кардиомиопатиялар. Перикард касалликлари. Юрек ўスマлари.

15-мавзу: Лейкозлар. Лимфаденитлар. Сplenомегалия. Талоқнинг туғма аномалиялари ва ўスマлари. Тимуснинг ривожланиш бузилишлари. Тимус ўсмаси.

16-мавзу: Қизил қон танаҷалари касалликлари ва қон кетиш бузилишлари. Анемии. Геморрагик диатезлар. Диссеминирланган томиричи ивиши (ДВС). Трансфузион асоратлар.

17-мавзу: Ўпка патологияси. Туғма аномалиялар. Ўтқир респиратор дистресс синдроми.

18-мавзу: Ўпка патологияси. Томир касалликлари. Ўпка ўтқир инфекциялари. Ўпка трансплантацияси.

19-мавзу: Ўпкаларнинг обструктив ва рестриктив касалликлари. Ўスマлар. Плевра касалликлари.

20-мавзу: Бош ва бўйин патологиялари. Оғиз бўшлиғи, юқори нафас йўллари, қулоқ, бўйин ва сўлак безлари касалликлари (Яллиғланиш, ўсма).

21-мавзу: Ошқозон-ичак тракти патологиялари. Туғма аномалиялар. Эзофагит. Ўтқир ва сурункали гастритлар. Ошқозон полипозлари ва ўスマлари.

22-мавзу: Ичак ишемик касаллиги. Мальабсорбция ва диарея. Инфекцион энтероколитлар. Ичак ўスマлари. Қорин бўшлиғи касалликлари.

23-мавзу: Жигар ва ўт йўллари патологияси. Жигар касалликлари хақида умумий маълумотлар. Инфекцион касалликлар (вирусли, бактериал, паразитар епатитлар).

24-мавзу: Жигарни токсик ва дори воситалари таъсирида заарланиши. Жигар ўスマлари. Ўт-тош касаллиги.

25-мавзу: Буйрак касалликлари. Ривожланиш аномалиялари. Гломерулопатиялар.

26-мавзу: Тубулоинтерстициал касалликлар. Буйрак ўсмалари. Обструктив уринопатия.

27-мавзу: Сийдик ажратиш тракти ва эркаклар жинсий аязолари касалликлари.

28-мавзу: Аёллар жинсий аязолари касалликлари. Инфекциялар. Вульва, қин, бачадон бўйни ва танаси, найчалар ва тухумдонлар патологиялари. Гестация ва плацентация бузилишлари. Хомиладорлик ва туғурук патологиялари.

29-мавзу: Кўкрак бези касалликлари. Ривожланиш аномалиялари. Яллигланиш ва ўсма касалликлари. Мастопатиялар.

Патологик физиология

3.2. Модулдаги амалий ва лаборатория машгулотлар мавзулари, ташкил этиши бўйича умумий қўрсатма ва тавсиялар:

3.2.1. Амалий машгулотларнинг мавзулар рўйхати:

1-мавзу: Ташки этиологик омилларнинг организмга таъсири.

2-мавзу: Ички этиологик омилларнинг организмга таъсири.

3-мавзу: Патологик жараёнлар ривожланишида ташки шароитларнинг аҳамияти.

4-мавзу: Патологик жараёнлар ривожланишида ички шароитларнинг аҳамияти.

5-мавзу: Артериал ва веноз гиперемия.

6-мавзу: Ишемия, стаз

7-мавзу: Тромбоз ва эмболия.

8-мавзу: Яллигланиш патофизиологияси.

9-мавзу: Яллигланишда эмиграция ходисалари.

10-мавзу: Яллигланишда экссудация ва пролиферация жараёнлари.

11-мавзу: Патологияда реактивликнинг аҳамияти.

12-мавзу: Аллергия. Иммундефицит ҳолатлар.

13-мавзу: Сув электролит алмашинувининг бузилиши.

14-мавзу: Карбонсувлар алмашинуви патофизиологияси.

15-мавзу: Кислота ишқор мувозанати патофизиологияси.

16-мавзу: Модда алмашинуви асосий касалликларнинг этиологияси ва патогенези масалалари. (семинар машғулот)

17-мавзу: Хужайра патофизиологияси. (семинар машғулот)

18-мавзу: Ўсма патофизиологияси.

19-мавзу: Патологик лейкоцитар формула.

20-мавзу: Лейкоцитоз ва лейкопениялар.

21-мавзу: Лейкозлар.

22-мавзу: Эритроцитлар патофизиологияси.

23-мавзу: Постгеморрагик анемиялар

24-мавзу: Гемолитик анемиялар.

25-мавзу: Кон яратилишининг бузилиши оқибатида юзага келувчи анемиялар.

26-мавзу: Юрек автоматизмининг бузилиши.

27-мавзу: Юрек қўзғалувчанлигининг бузилиши.

28-мавзу: Юрек ўтказувчанлигининг бузилиши.

29-мавзу: Юрак қон-томир тизими фаолияти бузилишининг типик кўринишлари. Компенсация механизmlари. (семинар машғулот)

30-мавзу: Нафас олиш тизими патофизиологияси.

31-мавзу: Гипоксия. (семинар машғулот)

32-мавзу: Ҳазм қилиш тизим патофизиологияси.

33-мавзу: Гепатобилиар тизим патофизиологияси.

34-мавзу: Буйрак патофизиологияси.

35-мавзу: Эндокрин тизим патофизиологияси.

36-мавзу: Экстремал холатлар патофизиологияси (семинар машғулот)

37-мавзу: Тери хасталиклари патофизиологияси (семинар машғулот)

Лаборатория ишлари рўйхати:

1-мавзу: Электр токининг организмга таъсири мисолида токнинг тури, кучи, таъсир этиш жойи, муддати, йўналиши ва организмнинг ҳолатига кўра юз берадиган ўзгаришларни, уларнинг оқибатини ўрганиш.

2-мавзу: Ташқи муҳит ҳарорати ҳар хил бўлган шароитларда сичқон организмида гипоксиянинг ривожланишини кузатиш.

3-мавзу: Бақа тилида артериал гиперемия ва веноз гиперемияни кузатиш

4-мавзу: Бақа тили препаратида тромбоз, эмболия ва ишемияни кузатиш

5-мавзу: Яллиғланишда алтерация ва қон томир ўзгаришларининг босқичларини ўрганиш.

3.2.3. Амалий ва лаборатория машғулотларни ташкил этиши бўйича умумий қўрсатма ва тавсиялар:

Модул бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза) ва 50% амалий қисм (амалий ва лаборатория машғулоти)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гурухга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равища муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Машғулотларни ўтказишида қўйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чукурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равища кўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;

3.2.4. Модулни ўқитиши давомида эгалланадиган амалий қўникумалар ва компетенциялар:

Модул давомида эгалланадиган амалий қўникумалар рўйхати:

1. Патологик анатомия модули тарихи, унинг ахамияти ва уни ўрганиш усуллари.
2. Препаратлар билан ишлай олиш, умум морфологик ва гистокимёвий бўяш

усуллари.

3. Касаллик тўғрисида умумий тушунча, касалликлар классификацияси.
4. Касаллик патоморфози – яъни касалликнинг турмуш тарзи ва даволашга боғлик ҳолда ўзгариши, биопсия ва аутопсия натижаларини таҳлили тўғрисида.
5. Патологик жараёнлар сабабларини ва ривожланиш механизмларини;
6. Нормани патологиядан фарқлаши, ёруғлик микроскопи воситасида хужайранинг патологик ўзгаришини таҳлил қила олиши.
7. Турли касалликларда ички органлардаги морбофункционал ўзгаришларнинг моҳиятлари.
8. Касалликнинг этиологияси, патогенези, морфогенези, касалликлар классификацияси, морфологик асослари, ва уларни клинико-анатомик таҳлил қилиш.
9. Касалликнинг хар бир босқичидаги умумпатологик жараёнлар морфологияси, тикланиш жараёнларининг структуравий асослари, касаллик оқибати.
- 10.Патологик жараён ривожланган тўқималардаги ўзгаришларни ва унинг турларини микроскоп воситасида аниклаш ва бир-биридан фарқлаш;
- 11.Ёруғлик микроскоп воситасида хужайранинг патологик ўзгаришини ажратади олиши.

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

1. УК 1¹. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;
2. УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;
3. УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва аҳлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;
4. УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;
5. УКК 1².Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббиёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган уларга математик методларни кўллашга тайёрлик;
6. УКК 2. Профессионал фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равища рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик;
7. УКК 3. Техник хужжатларни юритишга тайёрғалик;

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиши бўйича қўрсатма ва тавсиялар:

4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:

Патологик анатомия

¹ УК- умумий компетенция

² УКК – умумий касбий компетенция

1. Яллигланишни тизимли таъсиrlари. Ҳужайрадан ташқари матрикс ва ҳужайра-матрикс ўзаро таъсири. Тўқима регенерацияси механизми.
2. Канцероген агентлар ва уларнинг ҳужайралар билан ўзаро таъсири. Ўсма иммунитети.
3. Инфекцион касалликларни диагностика усуллари.
4. Иқлим ўзгаришларининг тиббий оқибатлари.
5. Туғма аномалиялар. Чала туғилганлардаги бузилишлар.
6. Вена ва лимфа томирлари патологияси. Томирларга аралashiшдаги патология (интервенции).
7. Перикард касалликлари. Юрак ўсмалари. Юрак трансплантацияси.
8. Талоқнинг туғма аномалиялари ва ўсмалари. Тимуснинг ривожланиш бузилишлари.
9. Туғма юрак касалликлари.
10. Ўпка туғма аномалиялари.
11. Ошқозон-ичак тракти туғма аномалиялари.
12. Қорин бўшлиги касалликлари.
13. Паразитар инфекциялар. Маллярия. Амебиаз. Лейшманиоз.
14. Суякларни ривожланишини бузилишлари. Синишлар. Остеонекроз.
15. Ўлим ҳақида тушунчалар.
16. Ошқозон яра касаллиги этиопатогенези.
17. Тасодифий юракдан ўлим синдроми.
18. Кардиомиопатиялар.
19. Прион касалликлари.
20. Ўт-тош касаллиги.
24. Оналар ўлими.
25. Юқумли касалликларни патогенези.
26. Сепсис.
27. Замбуруғ инфекциялари. Паразитар инфекциялар.
28. Кўз тўр пардаси дегенератив касалликлари.
29. Нерв системанинг дегенератив касалликлари.
30. Орбита функционал анатомияси. Усмалари. Конъюнктива, склерава шох пардаси анатомияси ва касалликлари
32. Увеит. Катаракта. Ретинопатиялар. Тўр парда усмалари. Кўрув нерв патологиялари.
33. Суяк усмалари. Артрозлар ва артритлар. Бўғимлар усмалари. Юмшоқ тўқималар усмалари.
34. Периферик нервларни шикастланиши умумий турлари нейропатиялар. Нейромускуляр туташларини касалликлари.
35. Скелет мушаклар касалликлари: атрофияси, яллиҳаниши, миопатиялар. Периферик нерв усмалари.
36. Тери касалликлари.

Патологик физиология

1. Умумий адаптацион синдром
2. Она қорнида ривожланиш патологияси
3. Иситманинг гипертермиядан фарқловчи хоссалари.

4. Организмдаги кексайиш даврига хос ўзгаришлар
5. Умумий инфекцион жараён ҳақида тушунча
6. Тўлиқ, тўлиқ бўлмаган очлик
7. Гиповитаминоз ва гипервитаминоз ҳолатларда модда алмашинувининг бузилиши
8. Фосфолипидлар алмашунуви бузилиши.
9. Ёғлар алмашинувининг ирсий бузилишлари.
10. Апоптоз механизмлари
11. Сурункали яллиғланиш
12. Пироген моддалар терморегуляция жараёнидаги ахамияти.
13. Хужайра ва ҳужайрадан ташқари матрикс орасидаги муносабатлар
14. Хужайра цикли ва ҳужайра репликацияси бошқаруви механизмлари
15. Гемостаз механизмлари ва унинг патологияси
16. Генетик хасталикларнинг молекуляр диагностикаси асослари
17. Иммунологик толерантлик нуксонлари. Аутоиммун хасталиклар
18. Псевдоаллергия. Атопик касалликлар ҳақида тушунча, дори ва озиқа аллергия.
19. Ўсмадан муҳофазаланишнинг иммунмеханизмлари
20. Ташқи муҳит омиллари билан белгиланувчи хасталиклар
21. Реактивлик ва резистентликни шаклланишида нерв ва эндокрин системасининг роли.
22. Экстремал ҳолатлар

Модул бўйича курс иши (лойиҳаси)

Модул бўйича курс иши ўкув режада кўзда тутилмаган.

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари

“Патология” модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади. Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- якуний назорат (ЯН).

Модулга ажратилган 5 кредитни талаба ЖН давомида йиғади. 3-семестр якунида синов, 4-семестр якунида ёзма тест топширилади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Патология модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар ечиш, уйга берилган

вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникумаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) хисобга олинади.

Хар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Талаба хар бир бўлимдан белгиланган кредитларни тўплагандан кейингина якуний назоратга киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида модул бўйича жорий назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Модул бўйича талаба рейтинги қўйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таъри фи
86-100	A	"аъло" – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалashi; муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичida илмий ва амалий масалаларни ёчишда самарали қўллай олиши;	5	аъло

			<p>ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини күрсата олиши;</p> <p>амалий күнікмаларни мустақил равища түлік бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни түлік эгаллаши;</p> <p>амалий масалаларни қисқа, асосланған ва рационал равища ҳал этиши;</p> <p>модул дастурида тавсия этилған ассоций ва құшимча адабиётларни түлік ва чуқур үзлаштириши;</p> <p>модул бүйіча назариялар, концепциялар ва йұналишлар мөхиятини англаш, уларға танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини құллай олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гурухли мұхоммадарда фаол бўлиши, вазифаларни бажарища юқори маданият дарајасига эга бўлиши лозим;</p>		
81-85	B	"жуда яхши" – ўртадан юқори натика, айрим хатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равища ифодалashi;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вакт ичida илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий күнікмаларни мустақил равища түлік бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни түлік эгаллаши;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-хукуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас)</p>	4	яхши

			қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши; ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнинда ижодий ва мустақил қатнашиши, гурӯхли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;	
71-80	C	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли ҳатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чукур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аник, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаникликларни мустақил бартараф эта олиши; модулнинг таянч тушунчаларини билиши, кисқа вақт ичida илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши; стандарт вазиятларда муаммоларни ўкув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши; амалий кўнікмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан; амалий машғулотларда норматив-хукуқий хужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги; модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;	

			ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши; назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнинда ижодий ва мустақил қатнашиши, гурӯхли мухокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;		
60-70	D	"қониқарли" – суст натижага, қўпол камчиликлар билан	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айrim хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айrim маҳсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналгандан, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши; амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши; компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши; модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;	3	Қониқарли
55-59	E	"ўрта" – минимал натижага тенг	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши; терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айrim қўпол хатоларга йўл қўйиши; жавоб беришга ёки айrim маҳсус кўникмаларни намойиш қилишда		

			<p>қийналганда ва хатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлик бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича кисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
31-54	FX	"кониқарси з" – минимал даражадаги билимларни и олиш учун кўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида факат айrim фрагментар билимларга эга бўлса;</p> <p>илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса;</p> <p>амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.</p>	2	Кониқарсиз
0-30	F	"мутлоқ кониқарсиз" – тўлик қайта ўзлаштириши лозим	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида факат айrim фрагментар билимларга эга бўлса;</p> <p>терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва кўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса;</p> <p>амалий кўникмаларга ва</p>		

		компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		
--	--	--	--	--

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)

ЖНГа ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯН модул якунида ёзма тест шаклида ўтказилади.

ЯНда саралаш балини (55) йифолмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирган деб ҳисобланади (ЖНда тўлиқ кредитни йигдан бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигига тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талabalарга факультет декани фармойиши асосида, ўқиши бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талabalарга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорининг буйруғи билан талabalар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан З (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талabalарнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўкув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

5.1. Асосий адабиётлар

1. Абдуллахўжаева М.С. Патологик анатомия. Дарслик.-Тошкент. Тафаккур-Бўстон. 2012 й.
2. Абдуллахўжаева М.С. Атлас Патологическая анатомия. Учебное пособие. – Ташкент. Ниҳол. 2013 г.
3. Абдуллахўжаева М.С . Патологическая анатомия. Учебник.- Ташкент. Тафаккур-Бўстон. 2012 г.
5. Абдуллахўжаева М.С. Одам патологияси асослари. Дарслик.- Тошкент. Абу Али Ибн Сино. 1997 й.
6. Магрупов Б.А. Умумий патологик анатомиядан амалий машғулотлар учун қўлланма. Ўқув услубий қўлланма.- Тошкент. ТошДавТИ типографияси. 2011 й.
7. Шерматов Р.М. Патология. Патологик анатомия модули бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Фарғона. “Poligraf Super Servis” МСНJ. “Наврўз” нашриёти. 2020 й.

5.2. Қўшимча адабиётлар

1. Струков А.И., Серов В.В. Патологическая анатомия. Учебник.- Москва. Медицина.1993 г.
2. Пальцев М.А., Аничков Н.М. Патологическая анатомия. Учебник.- Москва. Медицина. 2001 г.
3. Серов В.В. Атлас, патологическая анатомия. Учебное пособие.- Москва. Медицина. 1986 г.
4. Серов В.В. “Руководство практическим занятиям по патологической анатомии”. Учебное пособие.- Москва. Медицина. 1987 г.
5. Арипов А. Н., Фесенко Л. М. Клиническая биохимия: Методы. Учебное пособие. – Ташкент. Ибн Сино. 2000 г.
6. Горизонтов П.Д. «Гомеостаз». Учебник.- Москва. Медицина.1990 г.
7. Robbins and Cotran. Pathologic Basis of Disease, Professional Edition. 9e (Robbins Pathology) 9th Edition. Textbook. Philadelphia. Curr.Mol Med.2015 у.
8. Патологик анатомияни мустақил ўрганиш учун ўқув қўлланма. Тошкент. ТашГосМИ типографияси. 1993 й.
9. Абдуллаев Б.С., Атакулов Б.М., Хамидова Ф.М. Патологик анатомия модулидан вазиятли масалалар. Ўқув услубий қўлланма.-Тошкент. ТашГосМИ типографияси. 2006 й.
10. Robbins and Cotran. Pathologic Basis of Disease, Professional Edition. Textbook. Philadelphia.CurrMol Med.2015 у.
11. Международная статистическая классификация болезней, травм и причин смерти 10-го пересмотра. Спр. пособие. - Москва. Медпресс-информ. 1995 г.
12. Милягин В.А. «Норма в медицинской практике». Спр. пособие. – Москва. Медпресс-информ. 2006 г.

5.3. Интернет сайлары

1. www.Patology.com.uz.
2. www.Patology.com.uz.
3. <http://www.zivonet.uz>
4. <http://www.edu.uz>
5. <http://www.pedagog.uz>
6. www.tma.uz
7. www.fftma.uz

5.1. Асосий адабиётлар

1. Abdullyaev N.H., Karimov H.Yo., Irisqulov B.O'. Patologik fiziologiya. Darslik.- Toshkent. Yangi asr avlodi. 2008 y.
2. Шерматов Р.М. Патология. Патологик физиология модули бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Фарғона. “Poligraf Super Servis” МЧН. “Наврӯз” нашриёти. 2020 й.

5.2. Кўшимча адабиётлар

1. Литвицкий П.Ф. Патофизиология (курс лекций). Учебное пособие.- Москва. Медицина. 2005 г.
2. Зайчик А.Ш., Л.П.Чурилов. Общая патофизиология. Учебник.- Санкт Петербург. ЭЛБИ-СПб. 2001 г.
3. Зайчик А.Ш., Л.П.Чурилов. Основы патохимии. Учебник.- Санкт Петербург. ЭЛБИ-СПб. 2001 г.
4. Адо А.Д., Новицкий В.В. Патологическая физиология. Учебник.-Томск. Изд.ТГУ.1994 г.
5. Каримов Ҳ.Ё. Патофизиологиядан амалий машғулотлар бўйича талабалар учун қўлланма.Ўқув услубий қўлланма.-Тошкент. 2-ТошДавТИ МНБ. 1994й.
6. Хусинов А.А, Лемелева Е.Г. Руководство к практическим занятиям по патологической физиологии.Учебное пособие. – Ташкент. Янги аср авлоди.1998г.
7. Robbins and Cotran. Pathologic Basis of Disease, Professional Edition. Textbook. Philadelphia.CurrMol Med.2015 у.
8. Каримов Ҳ.Я., Ирискулов Б.У., Эргашев М.К. Ҳужайра патофизиологияси. Ўқув қўлланма.- Тошкент. 2-ТошДавТИ МНБ.1994 й.
9. Ирискулов Б.У., Сайдов А.Б. Маҳаллий қон айланиш тизими патофизиологияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент. 2-ТошДавТИ МНБ. 2007й.
10. Шерматов Р.М. Яллиғланиш патофизиологияси. Ўқув-услубий қўлланма. – Фарғона. 2020й.

5.3. Интернет сайлар:

1. www.Patology.com.uz.
2. www.Patology.com.uz.
3. <http://www.zivonet.uz>
4. <http://www.edu.uz>
5. <http://www.pedagog.uz>

6. www.lex.uz
7. www.tma.uz
8. www.fftma.uz

“ПАТОЛОГИЯ” МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

Патология													
Модулнинг тўлиқ номи													
Модул коди:	Кредит ҳажми: 5 кредит Шундан: ЖН – 5 кредит: ЯН – 0 кредит (ўтилиши мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 3-4 семестр	ECTS value: 4										
Таълим йўналиши	5313000 – Биотиббиёт мухандислиги		2-4 босқич бакалаврлари										
Модулнинг давомийлиги	36 хафта												
Ўқув соатлари ҳажми:	<table border="1" style="width: 100%;"> <tr> <td>Жами соат:</td><td>180</td></tr> <tr> <td>Шунингдек:</td><td></td></tr> <tr> <td>маъруза</td><td>20</td></tr> <tr> <td>амалий машғулот</td><td>76</td></tr> <tr> <td>лаборатория иши</td><td>12</td></tr> </table>			Жами соат:	180	Шунингдек:		маъруза	20	амалий машғулот	76	лаборатория иши	12
Жами соат:	180												
Шунингдек:													
маъруза	20												
амалий машғулот	76												
лаборатория иши	12												
Ўқув модулининг статуси	Умумкасбий модуллар блоки												
ОТМ номи, манзили													
Кафедра номи													
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳакида маълумот	Маърузачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail:	E-mail:										
Машғулот вақти ва жойи													
Модулнинг мазмуни	<p>Замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда мустақил равишда касалликларнинг этиология ва патогенезини аниқлаш учун замин яратиб беради. Дастурнинг мақсад ва вазифаларини очими якунида талаба патология модулидан олган билим ва амалий кўнікмаларни клиник амалиётда уйғунлаштириб, етук, рақобатбардош, мустақил клиник фикрлаш қобилиятига эга бўлган умумий амалиёт шифокори бўлиб шаклланади.</p> <p>Биотиббиёт мухандиси шифокори фаолиятининг асосий йўналиши ахоли соғлигини сақлаш, касалликларни олдини олишда замонавий тиббий техникалар ёрдамида эрта ташхислаш ва даволаш хисобланади.</p> <p>Биотиббиёт мухандиси шифокори аҳолининг соғлиқни сақлаш соҳасида ўз профессионал фаолиятини Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг тиббий-профилактика муассасаларининг тегишли йўналиш бўғинларида олиб боради.</p>												
Пререквизитлар	Патология модулини ўрганишда Тиббий биология. Умумий генетика, Умумий ва тиббий радиобиология, Умумий физика ва биофизика, Тиббий кимё, Биокимё, Анатомия, Физиология, Гистология, цитология, эмбриология ва бошқа модуллардан эгаллаган билимларига асосланади.												
Постреквизитлар	“Патология” модули кейинчалик терапия, педиатрия, хирургия, урология, тиббий радиология модуллар учун назарий замин бўлиб хизмат қиласи, ихтинослик модулларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўнікмаларни шакллантиради.												

Модулнинг мақсади	Талабаларда бўлажак мутахассисларда организмдаги аъзо ва системаларнинг фаолиятидаги физиологик жараёнларни тўғри талқин қилиш учун зарур бўлган ташхис усулларида фойдаланиладиган тиббий асбоб, ускуна ва қурилмаларни тузилиши, ишлаш принципи ва фойдаланиш соҳалари бўйича назарий ва амалий билимларни сингдириш, шунингдек қайд қилувчи, ташхис қўйиш ва даволовчи таъсир кўрсатувчи тиббий асбоб ва ускуналарда ишлаш, ташки муҳит таъсирини ўлчовчи (дозиметрик) ва муҳофаза қилувчи асбоб ва қурилмалардан фойдаланиш бўйича ўргатиш ҳисобланади
Модулнинг вазифалари	Талабаларга бўлажак мутахассисларда организмдаги аъзо ва системаларнинг фаолиятидаги физиологик жараёнларни тўғри талқин қилиш учун зарур бўлган ташхис усулларида фойдаланиладиган тиббий асбоб, ускуна ва қурилмаларни тузилиши, ишлаш принципи ва фойдаланиш соҳалари бўйича назарий ва амалий билимларни сингдириш, шунингдек қайд қилувчи, ташхис қўйиш ва даволовчи таъсир кўрсатувчи тиббий асбоб ва ускуналарда ишлаш, ташки муҳит таъсирини ўлчовчи (дозиметрик) ва муҳофаза қилувчи асбоб ва қурилмалардан фойдаланиш маълумотларни етказишдан иборат.
Модул бўйича талабалар билими, кўнікма ва малакаларига қўйиладиган талаблар	<ul style="list-style-type: none"> - патологик анатомия модули тарихи, унинг аҳамияти ва уни ўрганиш усуллари; - препаратлар билан ишлай олиш, умум морфологик ва гистокимёвий бўяш усуллари; - касаллик тўғрисида умумий тушунча, касалликлар классификацияси; - касаллик патоморфози – яъни касалликнинг турмуш тарзи ва даволашга боғлик ҳолда ўзгариши, биопсия ва аутопсия натижаларини таҳлили тўғрисида <i>тасаввурга эга бўлиши</i>; - патологик жараёнлар сабабларини ва ривожланиш механизmlарини; - нормани патологиядан фарқлаши, ёруғлик микроскопи воситасида хужайранинг патологик ўзгаришини таҳлил қила олиши; - турли касалликларда ички органлардаги морбофункционал ўзгаришларнинг моҳиятларини; - касалликнинг этиологияси, патогенези, морфогенези, касалликлар классификацияси, морфологик асослари, ва уларни клинико-анатомик таҳлил қилишни; - касалликнинг ҳар бир босқичидаги умумпатологик жараёнлар морфологияси, тикланиш жараёнларининг структуравий асослари, касаллик оқибатини <i>билиши ва улардан фойдалана олиши</i>; - патологик жараён ривожланган тўқималардаги ўзгаришларни ва унинг турларини микроскоп воситасида аниқлаш ва бир-биридан фарқлаш; - ёруғлик микроскоп воситасида хужайранинг патологик ўзгаришини ажратса олиш каби <i>амалий кўнікмаларига эга бўлиши керак</i>.
Таълим бериш усуллари	Маъруза амалий ва лаборатория машғулотлар.
Таъминот	видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиши методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гурухли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.

Ўқитиши натижалари:

Модулни якунлаганда талаба билиши керак:

1. Ташхис қўйишда, даволаш ва илмий текшириш мақсадларида қўлланиладиган тиббий асбобларининг тузилиши вазифаси ва ишлаш принциплари асослари
2. Тиббиёт асбобларида энергия ташувчи ҳисобланувчи физикавий омилларнинг аъзо ва тўқималарга таъсир механизмларини

3. Махсус клиника ва марказларда даволаш технологиялари тизимини тузилишининг умумий принципларини, махсус тиббий ташхис ва муолажалар учун зарур бўлган тиббий асбоб ва ускуналарни мақсадга мувофиқ танлай билишни

Модулни яқунлагандаги талаба бажара олади:

1. Тиббий асбобларнинг техник ҳужжатларини, уларнинг тузилиши ва ишлаш принципларини малакали тушуниши, техник муҳофаза қоидаларига риоя қилишни
2. Даволащда, диагностикада, жарроҳлик ва реанимацияда фойдаланиладиган асбоблар ва курилмалардан фойдаланишни, тиббий маълумотларни қайд қилиш ва ҳужжатлашни
3. Физикавий конуниятларни тирик организмдаги жараёнларга тадбик этиш.

Тиббий-биологик маълумотларни физик-техникавий асбоблар ва аппаратлар ёрдамида олиш, қайд этиш ва таҳлил этиш